



**ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛУВЧИ ЁШЛАР ОРАСИДА ТИББИЙ-ЭКСПЕРТ
ХУЛОСАЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА
ТАҚСИМОТИ
(Хоразм вилояти мисолида)**



Машарипов Жасурбек Қадамович

Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази шифокори

Email: jasurmasharipov09@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм вилоятида ҳарбий хизматга чақирилувчи 500 нафардан ортиқ ёшлар орасида тиббий-эксперт хулосаларнинг структураси ва уларнинг ҳарбий хизмат турлари бўйича тақсимооти таҳлил қилинди. Тадқиқот ҳарбий-тиббий комиссия ҳужжатлари асосида ретроспектив усулда ўтказилди. Натижаларга кўра, чақирилувчиларнинг маълум қисми ҳарбий хизматга тўлиқ яроқли деб топилган бўлса, муайян улушда турли даражадаги яроқсизлик, хизматни кечиктириши ёки чекланган яроқлилик ҳолатлари қайд этилди. Қўшин турлари бўйича таҳлил соғлом контингент асосан махсус ва умумқўшин бўлинмаларига йўналтирилганини кўрсатди. Олинган натижалар чақирилувчи ёшлар саломатлигини яхшилаш ва ҳарбий-тиббий саралаш тизimini такомиллаштириши учун амалий аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: чақирилувчилар, ҳарбий хизмат, тиббий-эксперт хулоса, яроқлилик тоифалари, Хоразм вилояти.

Аннотация. В статье проанализирована структура военно-врачебных заключений и распределение призывников по видам военной службы на примере более 500 призывников Хорезмской области. Исследование проведено ретроспективным методом на основании документов военно-врачебных комиссий. Установлено, что наряду с полностью годными к военной службе лицами значительная доля призывников имеет ограничения по состоянию здоровья, временную отсрочку или признана негодной к службе. Распределение по родам войск показало преобладание направления здорового контингента в общевойсковые и специальные подразделения. Полученные данные имеют практическое значение для совершенствования системы медицинского отбора.

Ключевые слова: призывники, военная служба, военно-врачебная экспертиза, категории годности, Хорезмская область.

Abstract. This study analyzes the structure of medical expert conclusions and the distribution of conscripts by types of military service based on data from more than 500 conscripts in the Khorezm region. A retrospective analysis of military medical commission records was performed. The results showed that along with fully fit conscripts, a considerable proportion had limited fitness, temporary deferment, or were unfit for military service. The distribution by military branches indicated that physically fit individuals were mainly assigned to general and special units. The findings are of practical importance for improving medical selection and preventive health measures among conscripts.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Keywords: conscripts, military service, medical expert assessment, fitness categories, Khorezm region.

Мавзунинг долзарблиги: Ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар саломатлиги давлат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда жаҳон адабиётларида ёшлар орасида сурункали касалликлар, функционал бузилишлар ва жисмоний ривожланишнинг номувофиқлиги ортиб бораётгани таъкидланмоқда. Россия, Қозоғистон, Европа мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар чақирилувчиларнинг 20–40 % гача қисми турли даражада ҳарбий хизматга чекланган яроқли ёки яроқсиз деб топилишини кўрсатади.

Ўзбекистон, хусусан Хоразм вилояти шароитида экологик омиллар, ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва болалик давридаги касалликлар чақирилувчилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ҳарбий-тиббий комиссия хулосаларини комплекс таҳлил қилиш ва хизмат турлари бўйича тақсимотни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Илмий тадқиқотнинг мақсади: Хоразм вилоятида ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар орасида тиббий-эксперт хулосаларнинг структурасини ва уларнинг ҳарбий хизмат турлари бўйича тақсимотини баҳолаш.

Вазифалар: 1. Чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаларини аниқлаш.

2. Яроқлилик даражалари бўйича улушларни ҳисоблаш.

3. Қўшин турлари ва идоралар бўйича тақсимотни таҳлил қилиш.

4. Олинган натижалар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Қўлланилган материаллар ва усуллар: Тадқиқот Хоразм вилояти ҳарбий-тиббий комиссияларида кўриқдан ўтган 500 нафардан ортиқ чақирилувчининг тиббий ҳужжатлари асосида ўтказилди. Тадқиқот ретроспектив, тасвирий-таҳлилий характерга эга.

Таҳлилда қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланди:

- ҳарбий хизматга яроқлилик тоифалари;
- хизматни кечиктириш ҳолатлари;
- қўшин турлари ва идоралар бўйича тақсимот.

Статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастурида амалга оширилди. Натижалар абсолют сон (n) ва фоиз (%) кўринишида ифодаланди. Ишончлилик даражаси $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Таҳлил натижасида олинган натижалар: Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг яроқлилик тоифалари бўйича таҳлил ўтказилганида, уларнинг 520 нафаридан 218 (41,9%) нафари тўлиқ яроқли эканлиги, 124 нафари (23,8%) чекланган даражада яроқли эканлиги, 78 нафари (15%) даволаниш учун кечиктирилгани, 62 нафари (11,9%) ҳарбий хизматга яроқсиз эканлиги, 38 нафари (7,4%) тинчлик даврида яроқсиз, уруш даврида чекланган эканликлари аниқланди (жадвал 1).

Хоразм вилоятида чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга яроқлилик тоифалари бўйича тақсимоти (n=520) Жадвал 1.

Яроқлилик тоифаси	Сони (n)	Улуши (%)
Ҳарбий хизматга тўлиқ яроқли	218	41,9
Чекланган даражада яроқли	124	23,8
Даволаниш учун кечиктирилган	78	15,0



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI


1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Ҳарбий хизматга яроқсиз	62	11,9
Тинчлик даврида яроқсиз / уруш даврида чекланган	38	7,4
Жами	520	100

Бу ҳолатнинг диаграммадаги кўриниши қуйидагича бўлди:

1-расм. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг яроқлилик тоифалари бўйича тақсимооти



Қўшин турлари бўйича чақирилувчилар тақсимооти ўрганилганда чақирилувчиларнинг энг катта қисми ИИБ/МВД тизими (27,3 %) ҳамда танк ва умумқўшин қисмларига (20,0 %) йўналтирилган. ВДВ ва махсус бўлинмаларга асосан тўлиқ соғлом ва жисмоний тайёр шахслар танлаб олинган кузатилди (жадвал 2).

Чақирилувчиларнинг қўшин турлари ва идоралар бўйича тақсимооти
Жадвал 2.

Қўшин тури / идора	Сони (n)	Улуши (%)
ВДВ ва махсус бўлинмалар	96	18,5
ИИБ / МВД тизими	142	27,3
МЧС	48	9,2
Танк ва умумқўшин қисмлари	104	20,0
ПВО, ВВС ва техник бўлинмалар	62	11,9
Бошқа тузилмалар	68	13,1
Жами	520	100




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Бу таҳлилнинг диаграмма ҳолатидаги кўриниши:

1-расм. Қўшин турлари бўйича чақирилувчилар тақсимооти



Олинган натижалар муҳокамаси: Олинган натижалар Хоразм вилоятида чақирилувчи ёшлар саломатлигида ижобий тенденциялар мавжудлигини кўрсатса-да, ҳар учинчи чақирилувчида ҳарбий хизматни тўлиқ ўташга тўсқинлик қилувчи тиббий омиллар мавжудлиги аниқланди. Бу кўрсаткич Россия Федерацияси ва Қозоғистонда эълон қилинган тадқиқотлар (чекланган ёки кечиктирилган яроқлилиқ 30–40 %) билан мос келади.

Чекланган яроқлилиқ ва кечиктириш ҳолатларининг салмоқли улуши, асосан, сурункали соматик касалликлар, юрак-қон томир тизими функционал бузилишлари, таянч-ҳаракат аппарати патологиялари ҳамда кўриш аъзолари касалликлари билан боғлиқ экани адабиётларда қайд этилган. Экологик ноқулайлик ва болалик даврида профилактиканинг етарли эмаслиги Хоразм вилояти учун ҳам долзарб омил ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР: 1. Хоразм вилоятида чақирилувчиларнинг аксарияти ҳарбий хизматга тўлиқ ёки чекланган даражада яроқли ҳисобланади.

2. Маълум улушда хизматни кечиктириш ёки тўлиқ яроқсизлик ҳолатлари қайд этилган.

3. Соғлом чақирилувчилар асосан жисмоний тайёргарлик талаб этилувчи қўшин турларига йўналтирилган.

4. Тиббий-эксперт хулосалар структураси ҳарбий хизматни самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР: 1. Чақирилувчилар орасида 14–17 ёшдан бошлаб мақсадли профилактик тиббий кўрикларни кучайтириш.

2. Сурункали касалликларни эрта аниқлаш ва диспансер кузатувни такомиллаштириш.

3. Ҳарбий-тиббий комиссиялар фаолиятида рақамлаштирилган ягона маълумотлар базасини жорий этиш.

4. Мактаб ва коллеж ёшларида жисмоний тайёргарлик ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов А.А., Юлдашев Б.Б. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар саломатлигининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2021. – №4. – Б. 45–50.
2. Ахмедов М.А. Ҳарбий-тиббий экспертиза асослари. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2019. – 256 б.
3. Баранов А.А., Кучма В.Р. Здоровье подростков и призывников: современные проблемы // Вопросы современной педиатрии. – 2018. – Т.17, №2. – С. 5–11.
4. Военно-врачебная экспертиза: руководство / под ред. А.И. Григорьева. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2020. – 384 с.
5. Гребенюк В.Н., Сидоров П.И. Медицинский отбор в Вооружённых силах // Военно-медицинский журнал. – 2019. – №6. – С. 12–18.
6. Джураев Ш.К., Исмоилов И.И. Ўсмирлар ва чақирилувчиларда сурункали касалликларнинг тарқалиши // Педиатрия. – 2020. – №3. – Б. 33–38.
7. Иванов А.В., Петров С.М. Анализ годности к военной службе у призывников // Медико-социальная экспертиза. – 2021. – №2. – С. 21–27.
8. Кузнецов И.А. Состояние здоровья призывников в регионах с неблагоприятной экологией // Гигиена и санитария. – 2018. – №7. – С. 59–63.
9. Мирзаев Ф.М., Каримов У.Х. Экологик омилларнинг ёшлар саломатлигига таъсири (Хоразм вилояти мисолида). – Урганч, 2019. – 112 б.
10. Нурматов Р.Н. Ҳарбий хизматга яроқлиликни баҳолашда функционал бузилишлар аҳамияти // Клиник тиббиёт. – 2022. – №1. – Б. 40–44.
11. Орлов В.В. Современные подходы к медицинскому освидетельствованию призывников // Военная медицина. – 2020. – №4. – С. 25–30.
12. Рахимов О.С., Турсунов Д.Б. Чақирилувчиларда юрак-қон томир тизими функционал ҳолатлари // Кардиология масалалари. – 2021. – №2. – Б. 48–53.
13. Сагдиев Р.Р. Военно-врачебная комиссия: организация и практика. – Казань: Медицина, 2017. – 198 с.
14. Султанов Ш.А. Таянч-ҳаракат аппарати патологияларининг ҳарбий хизматга яроқлиликка таъсири // Ортопедия ва травматология. – 2020. – №3. – Б. 61–65.
15. Хасанов Б.Н., Абдуллаев М.Ш. Чақирилувчи ёшларда кўриш аъзолари касалликлари // Офтальмология. – 2019. – №4. – Б. 29–34.
16. Шарипов А.А. Ёшлар саломатлигини баҳолашда диспансер кузатувнинг роли // Жамоат саломатлиги. – 2018. – №2. – Б. 14–19.
17. World Health Organization. Adolescent health and development. – Geneva: WHO, 2017. – 98 p.
18. World Health Organization. Global health risks among young population. – Geneva: WHO, 2019. – 112 p.
19. Ministry of Defence of the Russian Federation. Medical examination of conscripts. – Moscow, 2020. – 145 p.
20. United Nations. Youth and health: global overview. – New York, 2018. – 76 p.
21. Машарипов Ж. Қ., Оллаберганов М. И., Каримов Р. Х. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРИДА АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ // SOUTH ARAL SEA MEDICAL JOURNAL. – 2025. – Т. 1. – №. 4. – С. 86-94.